

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-сентябрида Бухоро вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 10440,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилга нисбатан 3,8 % га ўсди.

2018 йил январь-сентябрь яқунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 5551,4 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,3 % га ўсди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Бухоро вилоятининг кўшган хиссаси 4,3 % ни ташкил этди.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2017 й. га нисбатан % да
	2017 й.	2018 й.	
<b>I. ЯҲМ</b>	<b>8385,6</b>	<b>10440,0</b>	<b>103,8</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	7581,6	9458,8	103,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	804,0	981,2	104,2
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>7581,6</b>	<b>9458,8</b>	<b>103,8</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1994,1	2678,5	104,0
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	2410,8	2994,1	100,9
саноат	1547,9	1916,5	99,3
қурилиш	862,9	1077,6	103,9
Хизматлар	3176,6	3786,2	105,8
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	886,9	1089,3	104,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	803,5	883,6	106,6
бошқа хизмат тармоқлари	1486,2	1813,3	106,1

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 104,0 %, (ЯХМ таркибидаги улуши – 28,3 %), саноат – 99,3 % ( 20,3 %), қурилиш – 103,9 % (11,4 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 104,5 % (11,5 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 106,6% (9,3 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 106,1 % ( 19,2%) ни ташкил этди.

### 2018 йил январь - сентябрь учун ЯИМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




### иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯХМнинг 90,6 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 9,4 % ини ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 2,0 % пунктга ўсди ва ҳисобот йилида 28,3 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 0,1 % пунктга камайди ва 31,7 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯХМ таркибидаги улуши 2018 йилда 40,0 % ни ташкил этди ва 2017 йил (41,9 %) билан таққосланганда 1,9 % пунктга камайди.

## Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда):

2017 йил январь-сентябрь



2018 йил январь-сентябрь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган холда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 11,5 % ни (2017 й. – 11,7 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 9,3 % ни (10,6 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 19,2 % ни (19,6 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби  
(жамига нисбатан фоизда):**

2017 йил январь-сентябрь



2018 йил январь-сентябрь



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат курсатувчи бошқа тармоқлар

Бухоро вилоят статистика бошқармаси  
Статистика фаолиятини ташкил этиш  
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлари бўлими  
Нашр учун масъул: Р.Усманова  
(0371) 230-82-98